

УДК: 617.78:617.558.1

**ЮЗ СОҲАСИ ЮМШОҚ ТЎҚИМАЛАРИ ҚЎШМА ЖАРОҲАТЛАРИ АСОРАТЛАРИНИНГ КЛИНИК-ФУНКЦИОНАЛ КЎРИНИШЛАРИ**



Абдурахмонов Фарход Рахмонович<sup>1</sup>, Боймурадов Шухрат Абдужалилович<sup>2</sup>

1 - Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.;

2 - Тошкент тиббиёт академияси, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш.

**КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ МЯГКИХ ТКАНЕЙ ОБЛАСТИ ЛИЦА**

Абдурахмонов Фарход Рахмонович<sup>1</sup>, Боймурадов Шухрат Абдужалилович<sup>2</sup>

1 - Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд;

2 - Ташкентская медицинская академия, Республика Узбекистан, г. Ташкент

**CLINICAL-FUNCTIONAL MANIFESTATIONS OF COMPLICATIONS OF FACIAL SOFT TISSUE INJURIES MAXILLA/FACIAL REGION**

Abdurakhmonov Farkhad Rakhmonovich<sup>1</sup>, Boymuradov Shukhrat Abdujalilovich<sup>2</sup>

1 - Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand;

2 - Tashkent Medical Academy, Republic of Uzbekistan, Tashkent

e-mail: [farhodhai1975@mail.ru](mailto:farhodhai1975@mail.ru)

**Резюме.** Уиббу мақолада юз-жаг соҳа юмшиқ тўқималари шикастланиши асоратлари, жумладан иширглаши, чандик ва тўқималар нуқсонлари ва уларнинг динамикасидаги ўзгаришиларнинг клиник ва функционал жиҳатлари тасвирланган. Лазер ва озоннинг тиббий ва биологик хусусиятлари ва уларнинг юз-жаг соҳасининг юмшиқ тўқималари жароҳатларини даволашига таъсири муҳокама қилинади. Шунингдек, жароҳатларнинг асоратларини башорат қилишида инфракизил термометрияning ўзига хос хусусиятларига баҳо берилади. Бундан ташкари, касаллик асоратларининг маҳаллий ва умумий клиник белгиларининг динамикаси кўрсатилган.

**Калим сўзлар:** инфракизил термометрия, юз-жаг соҳаси юмшиқ тўқималари жароҳат асоратлари, асоратларининг клиник функционал жиҳатлари.

**Abstract.** This article describes the clinical and functional aspects of complications of soft tissue injuries of the maxillofacial region, including suppuration, scarring, and tissue defects, and their changes in dynamics. The medical and biological properties of laser and ozone and their effect on the healing of soft tissue injuries of the maxillofacial region are discussed. Also, various positive considerations are given to the specific features of infrared thermometry in predicting the complications of injuries. In addition, the dynamics of their local and general clinical signs are shown.

**Keywords:** infrared thermometry, complications of soft tissue injuries of the maxillofacial region, clinical and functional aspects of complications.

**Мавзунинг долзарблиги.** Юз-жаг соҳаси юмшиқ тўқималарининг асоратлари юзага келган беморларни даволашни ташкил қилиш, ташхислаш, профилактикаси ва реабилитация қилишга қаратилган илмий тадқикотар дунёнинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида олиб борилмоқда. Улар орасида University of Kansas, Boston University (АҚШ) жароҳатлардан кейин юзага келган чандикли деформацион асоратларни даволаш; University of Western Australia (Австралия); Qingdao University (Хитой), Warszawski Uniwersytet Medyczny (Польша), Seoul National University, Yonsei University (Жанубий Корея) келиб чиқиши мумкин бўлган салбий

оқибатларни олдини олишга қаратилган илмий изланиш натижалари чоп этилган.

Мамлакатимизда ҳам тиббиёт соҳасини ривожлантириш, тиббий тизимни жаҳон андозалари талабларига мослаштириш, аҳоли орасида шикастланиш оқибатларини камайтириш ва уларнинг асоратларини олдини олишга қаратилган қатор ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бугунги кунда кўшма жароҳатлар инсон ўлимига сабаб бўлиши бўйича қон томир ва онкологик касалликлардан сўнгги учинчи ўринни эгаллайди. Юз-жаг соҳаси жароҳатлар ва уларнинг асоратлари сони сўнгги йилларда ортиб бормоқда, муаллифларнинг маълумотларига кўра кўшма жароҳатга учраган bemorlarning 69 % юз

соҳаси заарланади. Кўшма жароҳатларда юз юмшоқ тўқималарнинг биргаликда заарланиши оқибатида, жароҳатни мураккаб клиник белгилар билан намоён бўлиши кузатилади ҳамда жароҳатлардан кейинги юзнинг функционал ва косметик нуқсонларини ривожланишига олиб келадиган асоратлар юзага келиши мумкин.

Жаҳонда юз-жаг соҳаси кўшма жароҳатлари ва уларни ташхислаш, даволашнинг анъанавий ва замонавий усуслари, иммунологик омилларини аниқлашга қаратилган бир қатор илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Аммо айнан юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатларини олдиндан башоратглаш ва уларни реабилитация қилиш борасидаги илмий тадқиқотлар қарийб учрамайди. Шу сабабли бу борада юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималарининг кўшма жароҳатлари оқибатида юзага келадиган йиринглаш, чандиқлар ҳосил бўлиши каби асоратларини башоратлаш ва уларни олдини олиш, шунингдек бу касалликни комплекс даволаш масалалари хозирги кунда тўлиқ ечими топилмаганлигини инобатга олиб, самарали даволаш тартибини амалиётта татбиқ қилиш чора – тадбирлар ишлаб чиқишига қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш алоҳида аҳамият касб этади.

**Тадқиқотнинг максади:** Юз-жар соҳаси юмшоқ тўқималарининг йиринглаш, чандик ва тўқималар нуқсонлари ва уларнинг динамикасидаги ўзгаришларнинг клиник ва функционал жиҳатлари таҳлил қилиш.

**Тадқиқот усуллари ва материаллари:**  
Тадқиқот давомида Самарканд шаҳар тиббиёт бирлашмаси, Тошкент тиббиёт академияси кўп тармоқли клиникаси ва Республика ихтисослаштирилган травматология ва ортопедия илмий-амалий тиббиёт маркази Самарканд филиалида 2019-2024 йиллар давомида юз-жаг соҳаси кўшма шикастганишлари билан даволанган 18 дан 59 ёшгача бўлган икки ёш гуруҳидаги 186 нафар беморлар танлаб олинган. Шунингдек, юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳати бўлган беморларнинг клиник-лабораторийи ва инструментал текшириш

натижалари олинган. Барча беморлар клиник, лаборатор, инструментал (панорамали 3D, ортопантомограмма, КТ, МСКТ, антропометрик ўлчовлар, ташки кўринишнинг олд ва ён томондан олинган фотосуратлари) ва статистик усууллардан фойдаланилган.

Тадқиқтада иштирок этган беморлар қуидаги гурухларга тақсимланды:

биринчи назорат гурухига (I гурух n=33) юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари билан анъанавий усулда даволангандек беморлар;


иккинчи асосий гурухига (II асосий n=102) жарохатлари озон ва паст интенсивликдаги лазер нурлари билан даволанган беморлар;

учинчи асосий гурухига (III асосий n=51) юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималарининг жароҳатлари  $\text{CO}_2$  фракцион лазер ва ультрафонофорез билан биргаликда комплекс даволанган беморлар киритилди.

**Тадқиқот натижалари:** Беморларда юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлари ва уларнинг асоратларининг умумий хусусиятлари, клиник кўриниши ҳамда юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималари қўшма жароҳатлардан кейинги чандиқли деформацион тўқималарнинг морфологик ва гистологик параметрлари таҳлил қилиниб гипертрофиқ, атрофик ва келлоид чандиқларнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилди.

Беморларда кузатилган клиник белгилар: умумий холисизлик, бош оғриғи, күнгил айниши, жароҳат соҳасида оғриқ, шиш, гематома, оғиз очилишининг қийинлашуви. Тишловнинг бузилиши, кўкариш каби симптомларнинг учраш частотаси таҳлил қилинди. Шунга асосан bemорларнинг қариб барчасида умумий холисизлик, жароҳат соҳасида оғриқ, шиш кузатилди, тишловнинг бузилиши, кўкариш каби бошқа белгилар нисбатан камроқ кузатилган.

Беморларнинг клиник белгиаларини таққослаб таҳлил қилиш мақсадида умумий ва маҳаллий гурухларга ажратилди. Умумий клиник белгиларига умумий ҳолсизлик, бош оғриги ва бош айланиши киритилган бўлса, маҳаллий белгларга жароҳат соҳасида оғриқ, шиш ва гематомалар киритилди.



**Расм 1.** Юз жағ соҳа юмшоқ тўқималарининг қушма жароҳати асоратлари мавжуд bemорларнинг клиник белгиларининг учраш частотаси



**Расм 2.** Беморларида умумий клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши



**Расм 3.** Беморларида маҳаллий клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши



**Расм 4.** Бемор А нинг жароҳатдан кейинги 5-кунидаги термограммаси



**Расм 5.** Бемор А нинг жароҳатдан кейинги 7-кунидаги термограммаси

Шунингдек, даволаш давомида юқоридаги клиник белгиларнинг динамикада ўзгариши ҳам назорат қилиниб таҳлил қилиб борилди.

Бундай ҳолларда bemorларнинг жароҳат юзаси УТТ ва инфракизил термометрия ёрдамида текширув ўтказилди, жароҳат бўшлиғида суюқлик борлиги маҳаллий ҳароратнинг динамикада ўзгариши кузатиб борилди. Натижада, инфракизил термометрия юз жағ соҳа юмшоқ тўқималарининг күшма жароҳатлари иккиласми битиши(иринглаши) каби асоратларининг клиникаси намоён бўлишидан олдинги белгиларни башоратлашга имконият яратади.

**Хулоса.** Шуни хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, юз-жаг соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатлари асоратлари ўзига хос маҳаллий ва умумий клиник белгилари билан намоён бўлади ва ушбу белгилар танланган даволаш самарадорлигига қараб ижобий томонга ўзгариши аниқланди. Шунингдек, касаллик асоратларини кечиш жараёнини назорат қилишда инфракизил термометрияning аҳамияти муҳим деган хулосага келдик.

#### Адабиётлар:

1. Абдурахмонов.Ф.Р.,Боймуродов.Ф.Р Ўз-жағ соҳаси юмшоқ тўқималари кўшма жароҳатларининг битиш тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари. Самарқанд. 2020, №6 (124) Проблемы биологии и медицины.
2. Алимова Д. М., Камилов Х. П., Шукрова У. А. Клинико-иммунологическое обоснование применения озонотерапии в комплексном лечении рецидивирующего афтозного стоматита // Ўзбекистон тибиёт журнали. – Тошкент, 2010. – №1. – С. 41-43.
3. Боймуродов Ш.А. Совершенствование диагностики и лечения больных с сочетанными травмами костей лицевого скелета. // дисс. док. мед. Наук. – Ташкент. - 2012 г.- С. 22-24.
4. Герасименко М.Ю., Филатова Е.В., Никитин А.А., Стучилов В.А. Косяков М.Н., Гришина Н.В. Новые аспекты реабилитации больных с посттравматическими дефектами и деформациями челюстно-лицевой области //Вопросы курортологии, физиотерапии и ЛФК. - 2000-№6-С. 27-29

5. Герасименко М.Ю. Особенности физиотерапии в стоматологии. // Альманах клинической медицины 2т.2.-2010- С. 436-444.
6. Густов А.В., Котов С.А., Конторщикова К.Н. Озоно-терапия в неврологии. Н.Новгород 2011; 31-32.
7. Каримов Х.Я., Шевченко Л.И., Бобоев К.Т., Югай М.А. Метод озонотерапии Сукцинасол. Метод. пособие для врачей. Ташкент 2011; 5-10, С. 14-19.
8. Ризаев Ж.А., Боймурадов Ш.А., Абдурахмонов Ф.Р., Гаффаров У.Б. Озонотерапиянинг юз-жаг соҳаси кўшма шикастланишларидағи очик жароҳатларни даволашдаги аҳамияти // Биология ва тиббиёт муюммолари журнали. – Самарқанд 2000.-№ 4. С 230-235.
9. Gopalakrishnan S, Parthiban S. Ozone- a new revolution in dentistry. J Bio Innov. 2012; 1:58-69.14. Grotendorst GR, Rahamanie H, Duncan MR. Combinatorial signaling pathways determine fibroblast proliferation and myofibroblast differentiation. FASEB J. 2014; 18:469-79.
10. Hinz B, Pahn SH, Thannickal VJ, Galli A, Bochaton-Piallat M, Gabbianni G. The myofibroblast: one function, multiple origins. Am J Pathol. 2017; 170-180
11. Das S. Application of ozone therapy in dentistry. Indian J Dent Adv. 2011; 3:538-42.
12. Maiya A. Applications of ozone in dentistry. Int J Clin Dent Sci. 2011; 2:23-7.
13. Seidler V, Linetskiy I, Hubálková H, Staňková H, Šmucler R, Mazánek J. Ozone and its usage in general medicine and dentistry. A review articles. Prague Med Rep. 2012; 109:5-13.

### **КЛИНИКО-ФУНКЦИОНАЛЬНЫЕ ПРОЯВЛЕНИЯ ОСЛОЖНЕНИЙ СОЧЕТАННЫХ ПОВРЕЖДЕНИЙ МЯГКИХ ТКАНЕЙ ОБЛАСТИ ЛИЦА**

*Абдурахмонов Ф.Р., Боймурадов Ш.А.*

**Резюме.** В этой статье представлены информации разных методов лазеротерапии и озонотерапии и их воздействие на заживление ран мягких тканей при сочетанной травме челюстно-лицевой области. В ней также включается анализ исследований лазеротерапии и озонотерапии по челюстно-лицевой хирургии и стоматологии и их эффективность при лечении травм мягких тканей челюстно-лицевой области.

**Ключевые слова:** лазер, раны мягких тканей, челюстно-лицевая область, стоматология, особенности лазеротерапии.